

полни бўйини керак, шифтни оклаш керак. Синф деворининг ва полининг 1 м² учун 200 грамм ва шифт учун 1 м² га 150 грамм бўёқ сотиб олишимиз керак. Агар девор ва пол учун ишлатиладиган бўёқ банкасининг массаси 2.8 кг ва шифт учун ишлатиладиган бир пакет бўёқ массаси 10 кг бўлса, унда математика хонасини таъмирлаш учун қанча бўёқ сотиб олишимиз керак бўлади?

3. Спорт залининг ўлчами 2:3:4 нисбатда бўлиб, унинг ҳажми эса 648 м³. Спорт залимизнинг ўлчамла

рини топинг.

Хулоса қилиб айтганда, математикани ўқитишда контекстли ёндашув концепциясини татбиқ этиш, фан воситаси сифатида, табиатда ва ҳаётда юз берадиган кўп нарсаларни тушунириш, натижаларга эришиш учун мақсад ва режаларни қўйиш, мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда керакли маълумотларни олиш, ҳақиқат объектларига нисбатан онгли фаолиятни амалга ошириш мумкин.

Адабиётлар

1. Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 20.04.2017.
2. Вербицкий А.А. Контекстное обучение в компетентностном подходе. //Высшее образование в России. №11, 2006. -С.39-45.
3. Вербицкий А.А. Контекстное обучение в системе подготовки учителя математики. //Высшее образование сегодня. 2007. № 6. -С. 79-83.
4. Селевко Г. Компетентности и их классификация. // Народное образование. 2004, № 4.- С. 138-142.
5. Краснянская К.А. Оценка математической грамотности 15-летних учащихся (PISA-2006). //Школьные технологии. 2008, № 3. - С. 161-171.
6. Амбалова С.А. Формирование профессиональной культуры студентов-будущих преподавателей: Учебно-методическое пособие. -М.: Издательский дом «МПА-Пресс», 2014.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада математик компетентликни контекстли масалалар асосида шакллантириш йўллари айтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются способы формирования математической компетентности на основе контекстного обучения.

SUMMARY

The article is devoted to the study of ways of forming mathematical competence on the basis of contextual teaching.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖИДА ЯНГИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Ж.Н.Эшпўлатов - ўқитувчи

Р.Ю.Мехмонов – ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: мактабгача таълим тизими, тарбияланувчининг жисмоний ривож, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедияли тизим.

Ключевые слова: дошкольное образование, физическое развитие воспитанника, информационно – коммуникационные технологии, мультимедийная система.

Key words: pre-school education, physical development of the pupil, information-communication technologies, multimedia system.

Республикамызда “Мактабгача таълим вазирлиги” нинг ташкил этилиши, фаолият олиб бораётганлиги мактабгача таълим муассасаларида жиддий ислохотлар олиб боришга имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида “Мактабгача таълим вазирлиги” томонидан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашувлар амалга оширилди. Илғор Корея тажрибалари муфассал ўрганилди, биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш бўйича келишувларга эришилди [1].

Юқорида келтирилган ҳолатлар мактабгача таълим соҳасидаги жиддий ислохотлар амалга оширилишини, яқин келажакда мактабгача таълим соҳасида педагоглар учун максимал қулай шароитлар яратилиши, педагоглар ижтимоий статусининг ошишини, болалар ўзларини намоён қилишлари учун ижодий муҳит яратилиши, хоналарнинг жиҳозланган бўлиши, бой адабиётлар ва ривожлантирувчи ўйинлар ишлаб чиқилиб, тақдир қилиниши каби қатор инновацион ёндашувлар ва жараёнлар амалга оширилишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сонли “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича болаларнинг илк ва мактабгача ёшдаги ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ишлаб чиқилди” ва амалиётга жорий этила бошланди. Ушбу ҳужжатда таъкидланишича, “Давлат талабларининг мақсади-мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий инновацион коммуникатив технологияларни инноватга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукамал ва

интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир”, “Давлат талабларининг вазифалари”дан бири сифатида “таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” белгилаб қўйилган [2].

Ушбу мақоламизда “5-6 ёшдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний юксалишида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари ва ечимлари” ҳақида фикр юритамиз.

Олимларнинг таъкидлашларича, муаммонинг тўғри қўйилиши илмий изланишларнинг гарови бўлар экан. У.Р.Эшбининг таъкидлашича “Агар биз муаммони тўла аниқликда шакллантира оласак, у ҳолда биз унинг ечимидан унчалик узоқ эмасмиз” [3].

Фикримизча, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулоти давомида АКТдан фойдаланиш муаммоларининг кўплаб жихатлари атрофлича ишлаб чиқилмаган ва ундан фойдаланишнинг муфассал методикаси яратилмаган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулоти давомида АКТдан фойдаланиш амалий жихатдан йўлга қўйилмаган. Илғор чет эл тажрибалари ўрганилмаган, умумлаштирилмаган, амалий фаолиятга жорий этилмаган. Президентимизнинг таъбири билан айтганда “Велосипедни янгидан кашф этиш шарт эмас, илғор чет эл тажрибаси, масалан, Жанубий Корея тажрибасидан унумли фойдаланиш керак” [1]. Кузатишларимиз ва мактабгача тарбия муассасалардаги аҳволни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, муҳтарам Президентимиз томонидан қўйилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун дастлаб мактабгача тарбия муассасаларининг моддий техника баъзасини яхшилаш

зарур. Бундан ташқари мактабгача тарбия муассасаларида (унинг барча типларида), жумладан, болалар боғчаларида қатор муаммолар мавжудлигини қайд этиш керак бўлади. Булар:

- баъзи молиявий-иқтисодий муаммолар;
- мактабгача ёшдаги болалар учун (ўзбек гуруҳларида) компьютердан фойдаланишнинг методлари, психологик-педагогик асослари, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбияланувчиларнинг соғлигини асраш бўйича меъёрлар ишлаб чиқилмаган;
- АКТдан фойдаланиш бўйича тарбиячиларнинг, хизмат қилувчи ходимларнинг етарли даражада тайёргарликдан ўтмаганлиги;
- компьютер техникаси бўйича техник ходимларнинг ҳозирча (мактабгача таълим муассасаларида) йўқлиги;
- дастурий таъминотнинг, хусусий ҳолда махсус педагогик дастурий воситаларнинг (миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда) мактабгача ёшдаги болалар учун яратилмаганлиги. Шунинг учун истикболда мактабгача тарбия муассасаларида АКТдан фойдаланиш дастурини ишлаб чиқариш зарурияти мавжудлигини қайд этамиз.

Бу борада қабул қилинадиган давлат қарори (дастури ва чора-табирлар) юқоридаги муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига хизмат қилмоқда. Энг асосий эътиборни мактабгача таълим соҳасида хизмат қилишга тайёрланаётган педагогика ОТМлари талабалари ҳамда мактабгача таълим коллежлари ўқувчиларининг амалий фаолиятларида АКТдан фойдаланиш бўйича тайёргарликларини тубдан қайта қўриб чиқиш зарурияти мавжуд. Қатор хорижий мамлакатлар тажрибалари (АҚШ, Корея, Хитой, Россия ва х.к.) шуни кўрсатадики, айниқса, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотида давомида *АКТдан фойдаланиш имкониятлари жуда катта ва истикболли*.

Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия – бу болаларни ҳаракатга ўргатиш ва уларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш орқали соғлом турмуш тарзи меъёрларини сингдириш демакдир. Мақсад – жисмоний тарбия воситасида болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг тўғри жисмоний ривожланишларини ҳамда шахсий ҳислатларини таркиб топтиришдир, яъни жасоратлилиқ, қатъиятлилиқ, ташаббускорлик, топқирлик, иродавийлик, ташкилотчилиқ, онгли интизомлилиқ, меҳнатсеварлик, энг муҳими ватанпарварлик каби ҳислатларини ташкил топтиришдир.

Қатор ривожланган мамлакатлардаги илғор тажриба намуналарини (технологияларни) ўрганиш, таҳлил қилиш асосида, таъкидлаш мумкинки, ижтимоий ривожланишнинг, фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида мактабгача таълим муассасаларида АКТдан фойдаланиш энг истикболли йўналишлардан биридир, деган хулосани айтишга ҳақлимиз.

Маълум кийинчиликларга қарамасдан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглар орасида жисмоний тарбия машғулотида АКТдан фойдаланиш муаммосига кизиқиш катта. Уларнинг фикрича, машғулотлар давомида АКТдан фойдаланиш жисмоний тарбия соҳасининг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларида жиддий ўзгаришлар киритиш мумкин.

Ўрганилган, таҳлил қилинган манбаларга асосланиб, айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотида давомида АКТдан фойдаланишларнинг асосий истикболли йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва педагоглар қуйида келтирилган бандлар бўйича тўла тайёргарликка эга

бўлишлари зарур:

- жисмоний тарбиянинг турли бўлимлари бўйича назорат этувчи ва ўз-ўзини назорат қилувчи дастурий воситаларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- мультимедияли тизимлар яратиш;
- маълумотлар баъзасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- психодиагностиканинг автоматлашган методларидан фойдаланиш;
- функционал диагностикани яратиш ва ундан фойдаланиш;
- тарбияланувчиларда потологик ҳолатларни коррекциялашнинг автоматлашган методларидан фойдалана олиш кабилар.

Биз юқорида қайд этганимиздек, компьютерли катта экрандан ўринли ва тўғри фойдаланиш нафақат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиради, балки уларда *моторикани* шунингдек, кўз анализаторларининг координациясини шакллантиради [4].

Қатор тадқиқодчиларнинг таъкидлашларича, аксарият ота-оналар мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг жисмоний ҳатти-ҳаракатларни беўхшов, қўпол бажаришларидан шикоят қилишларини таъкидлашади. Шунингдек, улар мураккаброқ жисмоний машқларни қийинчилик билан такрорлашларни қайд этишади. Баъзи болалар ҳатто 5-6 ёшда ҳам чап ва ўнг тушунчаларини фарқлай олишмайди. Бундай ҳолат болаларнинг ақлий заиф ёки ақлий ривож кечикканлигини билдирмайди, аммо бундай ҳолат ўз-ўзидан бартараф бўлиб қолади деган фикр ҳам нотўғри. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, бундай камчиликларни бартараф этишда компьютер техникасининг имкониятлари катта.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувларида, микро ва макро муҳитнинг уларга салбий таъсирларини камайтириш гаровидир.

Бунга мисол сифатида баъзи хусусий мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган (технология БОС «Дыхание» (БОС-биологической обратной связи) технологиясини келтириш мумкин. Кейинги даврда БОСни қўллаш янгича ривожланишни намоён этмоқда. Бунда айниқса, компьютер воситасида овозли ёки кўргазмали воситалар ёрдамида болалар ўз ҳолатини (жисмоний ҳолатини) ўзи назорат қилиши таъкидланган. БОС ускуналари ёрдамида таянч-ҳаракат апарати билан боғлиқ касалликларни даволаш, нафас олишни ва юрак қон томир тизимлари фаолиятини мўътадиллаштириш, кўз кўришининг ўткирлигини коррекциялаш мумкин бўлмоқда.

Жисмоний тарбияни амалга оширишда, айниқса, ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришда БОС технологиясидан самарали фойдаланилаётганлиги ҳақида қатор илмий манбаларнинг маълумотлари мавжуд. Россиялик тадқиқодчи С.Н.Кучкиннинг таъкидлашича БОС методи қуйидагиларни амалга оширишга имкон яратади[4]:

- 1) боланинг ўз-ўзини бошқариш малакаларини тез ва самарали эгаллашига ёрдам беради;
- 2) уйқунни яхшилайдди, ишчанлик қобилиятини оширади, диққатни ва хотиранинг тезкор жамланишига хизмат қилади;
- 3) сурункали бош оғриғи ва мигрендан халос этади;
- 4) интеллектуал ва жисмоний фаолиятнинг натижалилигини оширади;
- 5) ўқиш, билим олишни яхшилайдди ижодий қобилиятни ўстиради;
- 6) кайфиятнинг ўзгаришини назорат қилишни таъминлайди;
- 7) қатор касалликларда қўлланиладиган дори-

дармонлардан халос этади;

8) болалар ва ўсмирларда диққатни ва гиперактивлик синдромини дори-дармонсиз самарали даволайди.⁸

Санкт-Петербург шаҳридаги “Биосвязь” фирмаси 1996 йили БОС «Дыхание» тренажерни ишлаб чиқиб, истеъмолга таклиф қилган. Юқорида келтирилган «Дыхание» тренажеридан ушбу мақсадда самарали фойдаланиш мумкин.⁴

Албатта, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш учун мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагоглар ва тарбиячилар алоҳида мақсадли махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мактабгача тарбия муассасаларида АКТдан фойдаланиш мақсад эмас, балки 5-6 ёшли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида ижодий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш воситасидир. Тарбия жараёнида мактабгача таълим муассасаларида тарбия жараёнининг мазмунини ва режасини тубдан қайта қўриб чиқишни такозо этади. Бунда ҳамма учун таниш бўлган бир неча тамойилларга амал қилиш зарур. Булар узлуксизлик, етарлилик, кетма-кетлилик ва баъзи амалий кўникмаларни шакллантириш тамойилларидир. Ушбу мақолада имкониятимиз даражасида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда АКТдан фойдаланишнинг баъзи муаммолари ва ечимлари борасидаги қарашларимизни баён қилишга ҳаракат қилинди.

Адабиётлар

1. <http://kun.uz/news/2017/11/24/maktabgacha-talim-vazirligida-korea-modeli-elementlari-kullaniladi>
2. “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎзР. Мактабгача таълим вазирининг 18.06.2018 йилдаги 1-мх-сонли буйруғи ва унинг иловаси.
3. Шестаков М.П., Анненков К.В., Антохина Е.Т. и др. Современные компьютерные технологии в развитии спортивной науки. // «Теория и практика физической культуры». 1996, № 8.-С. 43-45.
4. Сметанкин А.А. президент Российской Ассоциации БОС, один из создателей технологии БОС. (<http://dyhatelnaya.ru/po-smetankinu/dyhanie-po-smetankinu.html>). 25.01.2018 да олинган.
5. Компьютеры в обучение. 27:5-19,2010 Copyright © Taylor & Francis Group, LLC ISSN: 0738-0569 print/ 1528-7033 online DOI: 10.1080/0738056903536249.
6. Daily Chosun (2002, 1 июнь) Дети детского сада, занимающиеся дополнительным учебным уроком (Ceul, Daily Chosun).

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний ривожда янги ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари келтирилган ва бугунги кундаги унинг ечимлари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы использования новых информационных технологий в физическом развитии воспитанников дошкольного образования и предлагаются решения этих проблем.

RESUME

The article deals with the problems of using new information technologies in the physical development of preschoolers and the author gives solutions to these problems.

МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ф.Ҳалилов – педагогика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: достончилик, мусиқа, Алпомиш, Халқ оғзаки ижоди, маънавият, кўшиқ, бахши, маданият, адабиёт, ёш авлод.

Ключевые слова: профессия сказителя дастанов, музыка, Алпамыш, устное народное творчество, бахшы(сказитель), песня, культура, способность, литература, молодое поколение.

Key words: profession of a bakhshi of dastans, music, to write myth, Alpomish, folklore, bakhshi (singer), song, capability, culture, literature, young generation.

XXI асрнинг интеллектуал салоҳиятининг юксалишида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947 сонли фармойишида белгиланган чора-тадбирларда миллий маданиятимизни асраб қолиш ва уни ривожлантириш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда жаҳон ҳам жамияти диёримизнинг қадим шарқ маданият цивилизациясининг бешиги бўлиб келганлигини эътироф этмоқда. Диний ва дунёвий илм олишга бебаҳо ҳисса қўшган олиму уламоларимизнинг қолдирган маънавий меросида мусиқа санъатига бағишланган ноёб ва бой илмий рисолалар ҳам мавжудки, бу мусиқа санъати қадимдан халқимизнинг маънавий таянчи бўлиб келганлигидан далолат беради.

Барча миллатлар сингари ўзбек халқи ҳам ўз қадимий тарихи, миллий урф-одатлари, маънавияти ва ўз қадриятларига эга. Ёш авлод тарбияси биринчи навбатда ана шу анъаналарга – боболардан қолган – ёдгорликларга асосланади.

Худудимизда яшаб ижод қилган қадимий аждодларимизнинг тарихини баён этувчи бизнинг ота-боболаримиздан бизгача етиб келган машҳур китоб “Авесто” да берилган ўғитлар, яъни уша замондаёқ айтилган кўшиқлар бу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз ҳам мусиқа санъатига қаттиқ меҳр қўйиб келганлигидан дарак беради.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган қомусий аллома-

ларимиз Ал-Хоразмий, Беруний, Ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Фаробий, А.Жомий ва бошқаларнинг турли фанларга атаб ёзган кўлёмалари ичида мусиқага бағишланган кўплаб илмий рисолалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида 4000 дан ортиқ моддий-маънавий обидалар мавжуд бўлиб, улар умумжаҳон миқёсида кадр тоиб, ЮНЕСКО нинг рўйхатига ноёб намуна сифатида киритилган. Бундай тарихий ёдгорликлар халқимизнинг ниҳоятда бой меросга эга эканлигидан далолат беради. Шундай тарихий ёдгорликлар намунаси аждодларимизнинг теран фикр ва ғояларга бой ҳаёт фалсафаси, ахлокий тушунчалари ҳозирги кун маънавияти учун ҳам хизмат қила олади.

Халқимизнинг маънавий бисоти ичида мусиқа адабиёт билан бевосита боғланиб кетувчи санъат тури достончилигимизда алоҳида аҳамиятлидир. Достонларда халқимизнинг афсонавий қаҳрамонлари, мардлик, жасурлик, ҳалоллик каби фазилятлари улуғланиб келади. Шундай достонлардан бири бу “Алпомиш” достонидир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда: “Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб дурдонаси бўлмиш “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, аждодлардан ўтиб келаётган қаҳрамонлик кўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса “Алпомиш” ана шу